
ЯПОНИЯ КОМПАНИЯСИ ЭКОШАҲАРДА МИКАДО СИТИ МАЖМУАСИ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БОШЛАМОҚДА. ФАРҒОНАДА ЯПОНИЯ ИНВЕСТИЦИЯСИ БИЛАН ЧИҚИНДИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров япониялик ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Учрашувда “Mikado develop and investment” компанияси томонидан Фарғонада қад ростлаётган Экошаҳар ҳудудида амалга оширилаётган меҳмонхона-резиденция, савдо-туризм мажмуаси ва Япон боғидан иборат МИКАДО СИТИ мажмуаси лойиҳасининг бориши муҳокама қилинди.

Компания раҳбари Окуда Такефуми МИКАДО СИТИ мажмуаси қурилиши учун ер майдони аукцион орқали расмийлаштириш якунлангани, ҳозирда архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиляётганини маълум қилди. Яқин муддатда лойиҳанинг тамал тоши қўйилиши билдирилди.

Японияликларга Экошаҳар ҳудудида ташқи муҳандислик коммуникациялари тармоқларини қуриш учун 40 миллион доллар маблағ ажратилганлиги, 3-4 ой муддатда газ, сув, электр ва канализация тармоқлари мажмуа чегарасига қадар тортилиши маълум қилинди.

Муҳокамалар натижасида МИКАДО СИТИ мажмуаси қурилиши лойиҳасини белгиланган муддатда амалга оширилишини таъминлаш учун икки томонлама йўл харитаси ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Лойиҳага кўра, мажмуа 4 қаватли япон саройлари меъморчилигидаги люкс меҳмонхона, 60 блокдан иборат ҳар бирининг майдони 50 метр квадрат бўлган савдо дўконлари ҳамда уларнинг уст қаватида 60 та апартаментлар, япон боғи, бассейн, сауна, спа-салони, конференциялар залидан иборат бўлади.

Учрашувда иштирок этган Sansei компанияси президенти Аказави Масакиси вилоят раҳбарига Фарғонада икки босқичда ташкил этиш режалаштирилаётган чиқиндини қайта ишлаш корхонаси лойиҳасини тақдим этди.

Қиймати 10 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида Экошаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудлардаги чиқиндиларни ажратиш ва қайта ишлаш бўйича Япония технологиясига асосланган экологик тоза корхона ташкил этиш кўзда тутиляётган бўлса, иккинчи босқичда чиқиндиларнинг қайта ишлаш мумкин бўлмаган қисмини ёқиш орқали электр энергия ишлаб чиқаришга асосланган корхона ташкил этиш режа қилинган.

Лойиҳани маъқуллаган вилоят ҳокими, уни Фарғона тумани Саткак қишлоғи яқинида жойлашган марказий чиқиндихона ҳудудида амалга ошириш, Экошаҳар ҳудудидаги чиқиндилар билан бирга чиқиндихона ҳудудидаги чиқиндиларни ҳам қўшиб қайта ишлашни таклиф қилди. Бу таклиф япониялик инвестор томонидан ижобий қабул қилинди. Лойиҳани амалга ошириш учун ҳамкорликда иш ташкил этишга киришилиши белгиланди.

Мулоқот чоғида Sanctuary компанияси раҳбари Уэмура Масато билан Фарғонада Япон ресторанлари ташкил этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш технологияларини жорий этиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хожиқўзижон Исақов ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)